Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Ер кодекси”
лойиҳаси бўйича умумлашган маълумот

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2020 йил 15 октябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилиши баённининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Ер кодекси”нинг янги таҳрири қайта ишлаб чиқилди.

I. Янги таҳрирдаги “Ер кодекси” лойиҳасига киритилган янги нормалар.

Жами янги нормалар 63 та моддада, жумладан:

1. Кодексда қўлланилган асосий тушунчалар, ерларнинг турлари, ерларни бир турдан бошқа турга ўтказиш асослари, ер участкасини бўлиш, ажратиб чиқариш, ер участкаларни бирлаштириш, ер соҳасини тартибга солиш ва Давлат ер кадастри соҳасида *(18 та моддада)*;

2. Ер участкаларига бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари, ер участкаларини бериш (сотиш) тартиби бўйича *(14 та моддада)*;

3. Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш бўйича *(14 та моддада)*;

4. Ер участкаларидан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилувчилари ва мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоялаш бўйича *(4 та моддада)*;

5. Ердан фойдаланувчиларга етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича *(4 та моддада)*;

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш чора-тадбирлари бўйича *(8 та моддада)*;

7. Ер хусусидаги низоларни ҳал этувчи органлар бўйича *(1 та моддада).*

II. Амалдаги “Ер кодекси”дан тўлиқлигича чиқарилган нормалар:

Жами чиқарилган нормалар 8 та моддада, жумладан:

1. Ер участкаларини хўжалик ичида тақсимлаш. Оила (жамоа) пудрати, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга ер бериш *(2 та моддада)*;

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг бўлинмалари негизида ташкил этиладиган кооперативларга (ширкатларга) ер участкалари бериш *(1 та моддада)*;

3. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш, олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш тартиби, шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерлар, шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар *(3 та моддада)*;

4. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер бериш *(1 та моддада)*;

5. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ер участкасини олиб қўйиш *(1 та моддада);*

III. Амалдаги “Ер кодекси”га нисбатан янги таҳрирдаги “Ер кодекси” лойиҳасида мазмуни кенг ёритилган нормалар:

Жами мазмуни кенг ёритилган нормалар 95 та моддада, жумладан:

1. Умумий қоидалар, ер фонди тоифалари, ер соҳасини тартибга солиш, ер тузиш ва давлат ер кадастри бўйича *(22 та моддада)*;

2. Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назорат ва ер мониторинги бўйича *(4 та моддада)*;

3. Ер участкаларига бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари *(12 та моддада)*;

4. Ер участкаларини бериш (сотиш) тартиби, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш бўйича *(12 та моддада)*;

5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш, ер участкаларидан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилувчилари ва мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича *(8 та моддада);*

6. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоялаш, ҳуқуқ эгаларига етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича *(5 та моддада)*;

7. Ер фондининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифаси ва бошқа тоифалари, ерларни муҳофаза қилиш, ер хусусидаги низоларни ҳал қилиш тартиби бўйича *(32 та моддада)*.

IV. Амалдаги “Ер кодекси”га нисбатан янги таҳрирдаги “Ер кодекси” лойиҳасида умуман ўзгартирилмаган нормалар:

Жами мазмуни умуман ўзгартирилмаган нормалар 2 та моддада, жумладан:

1. *(1 та моддада)*;

2. *(1 та моддада)*;

Умумий ўзгаришлар:

1. Амалдаги “Ер кодекси” саноқ бўйича 93 та моддадан иборат бўлиб, ундан 8 та модда (38, 51, 52, 54, 61, 65, 67, 70-моддалар) талабларга жавоб бермаслиги сабабли янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳасидан чиқарилган;

2. Янги таҳрирдаги “Ер кодекси”га 63 та янгидан модда киритилган.

3. Амалдаги “Ер кодекси”нинг 2 та (24^1 ва 24^2 -моддалар) моддаларига умуман ўзгартириш киритилмаган.

4. Амалдаги “Ер кодекси”нинг қолган 83 та моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб мазмуни кенг ёритилган, шунингдек, айрим моддаларнинг бўлиниб ишланиши оқибатида янги таҳрирдаги “Ер кодекси” яна 12 та моддага кўпайган._

4. “Ер кодекси” янги таҳрири лойиҳаси жами 20 та боб, 160 та моддадан иборатлиги белгиланган.